

## ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

**Акрамова Дилдора Эргашевна**

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси  
кафедраси ўқитувчиси

**Бобомуродова Ойдина Бобомуродовна**

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим йўналиши талабаси

**Аннотация:** Тарбия усуллари – педагогик расмийлашган хатти-ҳаракатлар бўлиб, улар ёрдамида ўқувчининг хулқ-атвори ва нуқтаи назарига унинг қарашлари, мотивлари ва феъл-атворини ўзгартирувчи ташқи истак пайдо бўладиги, натижада инсоннинг захира имкониятлари фаоллашади ва у маълум бир тарзда ҳаракат қила бошлайди.

**Калит сўзлар:** Тарбия, таълим тизими, педагог, педагогик фаолият, вазифалар, фаолият, тарбия қонуниятлари, педагог-тарбиячи.

## UNDERSTANDING OF EDUCATIONAL METHODS AND METHODS

**Abstract:** Educational methods are pedagogically formalized actions, with the help of which an external desire appears on the student's behavior and point of view, changing his views, motives and character, as a result of which human reserve capabilities are activated and he begins to act in a certain way. .

**Key words:** Education, educational system, pedagogue, pedagogical activity, tasks, activity, educational laws, pedagogue-educator.

Тарбия қонуниятларини ҳисобга олиб, шунингдек тарбия тамойилларига (талабларига) риоя қилган ҳолда тарбияланувчиларда ижтимоий ва шахсий

аҳамиятга эга фазилатларни қандай (қайси) усуллар билан шакллантириш мумкин, деган масала тарбиячилар олдида турган муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Бу масалага педагогиканинг энг муҳим тушунчаларидан бири – тарбия методлари жавоб беради.

Тарбияланувчи шахсини шакллантириш унинг қизиқишлари, эҳтиёжларига таяниш ва онгини шакллантириш, уни фаол фаолиятга жалб этиш, қисқаси, тарбиявий таъсир орқали амалга оширилиши мумкин. Тарбиявий таъсир қандай шаклда бўлишидан қатъи назар айрим шахс ёки кишилар гуруҳига йўналтирилган бўлади.

Шу нуқтаи назардан тарбия методи – тарбияланувчининг онги, иродаси, ҳиссиёти ва хулқига таъсир кўрсатиш усулидир. Тарбия методлари – педагог-тарбиячининг ўқувчиларда маълум бир эътиқод ва малакаларни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, иродаси ва ҳиссиётига таъсир кўрсатиш усуллари мажмуидир. Бошқача айтганда, тарбия методлари – бу тарбиявий мақсадларга эришиш учун тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатишининг тартибга солинган усуллари, кенг маънода, тарбия жараёнини амалга ошириш усуллари.

Тарбия назарияси ва амалиётида “тарбия методлари” тушунчаси билан биргаликда “тарбия усуллари” тушунчаси ҳам кенг қўлланилади.

Тарбия усуллари – педагогик расмийлашган ҳатти-ҳаракатлар бўлиб, улар ёрдамида ўқувчининг хулқ-атвори ва нуқтаи назарига унинг қарашлари, мотивлари ва феъл-атворини ўзгартирувчи ташқи истак пайдо бўладиги, натижада инсоннинг заҳира имкониятлари фаоллашади ва у маълум бир тарзда ҳаракат қила бошлайди.

Аксарият педагог олимлар тарбияланувчиларга таъсирларнинг натижаларига кўра тарбия методларини асосан икки гуруҳга ажратадилар:

1) ахлоқий меъёрлар ва мотивларни, ахлоқий тасаввур, тушунча ва ғояларни шакллантиришга таъсир этувчи тарбия методлари;

2) хулқ-атворнинг у ёки бу турини белгилайдиган одатларни ҳосил қилишга таъсир этувчи тарбия методлари.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Жуманова Ф., Авазова С., Жобборова Г., Хуснетдинов У. Умумий педагогика асослари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, “Ishonchli hamkor”, 2020. - 580 б.
2. Akramova, D. (2022). BO‘LAJAK PEDAGOG-PSIXOLOGLARNING MAKTABGACHA TA’LIM TIZIMIDAGI FAOLIYATI. Science and innovation, 1(B8), 322-326.
3. Akramova, D. (2022). Oliy ta’lim muassalari talabalarida pedagogik-psixologik moslashuvchanlikni mazmun mohiyati. Science and innovation, 1(B8), 2150-2153.
4. Ergashevna, A. D. (2023). TALABALARDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK MOSLASHUVCHANLIK MEHANIZIMLARINI RIVOJLANTIRISH TEHNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH BUGUNGI MUOMMO SIFATIDA. PEDAGOGS jurnali, 26(1), 13-17.